Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 26 январь, № 18 (5692) Шанба

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз опа-сингиллар, муҳтарама аёллар!

Авваламбор, сизларга — Ўзбекистон хотин-қизлари республика конференциясининг барча иштирокчиларига, сизларнинг тимсолингизда бутун мамлакатимиз аёлларига ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдириб, анжуман ишига катта муваффақиятлар тилайман.

Бундан йигирма бир йил олдин ташкил топган Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ўзининг жойлардаги бўлимлари ва тузилмалари билан бирга ўтган қисқа давр мобайнида, айтиш мумкинки, ўта муҳим ва масъулиятли, улкан вазифаларни амалга оширишда кўпгина ютуқ ва марраларга эришди. Бу ташкилотнинг мамлакатимиз аёлларининг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш борасидаги кўп қирали фаолияти, жаҳон хотин-қизлар ҳаракатининг эътибор марказида турган долзарб масалаларни ҳал қилишга қўшган ҳиссаси, айниқса, охирги йилларда унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини кучайтиришга олиб келди.

Мамлакатимиз олдида турган устувор вазифаларни амалга оширишда — бу жамиятни демократик янгилаш бўладими, иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш бўладими, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият соҳаларини ривожлантириш бўладими — буларнинг барчасини мужассам қилиб айтганда, Ўзбекистонимиз эришган ва дунё ҳамжамияти тан олаётган марраларни эгаллаш йўлида бутун халқимиз қатори аёлларимизнинг ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ҳиссаси борлигини бугун яна бир бор чуқур миннатдорлик билан эътироф этишни зарур деб биламан. Ҳақиқатан ҳам, улар ўзларининг меҳнатсеварлиги, оқилалик ва шукроналик фазилатлари, сабр-бардоши, эртанги кунга ишонч туйғуси билан барча қийинчилик ва машаққатларни енгиб, бошқаларга ўрнак бўлиб келаётганини кўплаб ҳаётий мисолларда яққол кўриш мумкин.

Шу борада ўзимизга мос қадрият ва қарашларимизни ифода этадиган муҳим бир масалага эътиборимизни қаратишни ўринли, деб ҳисоблайман.

Ҳар қайси оилада гўзаллик ва нафосат, меҳр-муҳаббат тимсоли, хонадонларимиз осойишталигининг посбони бўлмиш, бир сўз билан айтганда, оилани оилага, жамиятимизни жамиятга айлантирадиган аёл зотига қанча тасаннолар айтсак, қанча таъзим этсак — барибир барчамиз ўзимизни улар олдида доимо қарздор, деб ҳис қиламиз.

Фақатгина аёл зотига мансуб бўлган мана шундай ноёб, бетакрор хусусият ва фазилатларни таърифлаш ва улуғлаш, уларнинг кундалик турмушимиздаги аҳамияти ва таъсирини кучайтириш, оилаларимизни янада мустаҳкам қилиш, шу аснода ҳаётимизни ҳар томонлама обод, гўзал ва мазмунли этиш — бундай долзарб вазифалар бугунги кунда Хотин-қизлар қўмитаси иш фаолиятида эътибордан четда қолмаслигини истардим.

Такрор-такрор айтишга тўғри келади: ҳозирги вақтда оилани, хусусан, ёш оилаларни мустаҳкамлаш, оғирини енгил қилиш, улар дуч келадиган турли муаммоларни ечиш, зарур кўмак ва ёрдам бериш ҳам ана шу масалаларнинг узвий бир қисми эканини яхши англаб олишимиз лозим.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳар бир ота-онанинг эзгу орзуси бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш сингари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган вазифаларни амалга оширишда хотин-қизлар ташкилотлари ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятининг самарасини янада кучайтиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Муҳтарама опа-сингилларимизнинг ўз билим ва профессионал малакасини, салоҳияти ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари учун, аёлларимиз, ёш қизларимизни, айниқса, қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш, касаначилик, оилавий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар туғдириб бериш бугунги куннинг энг долзарб вазифалари қаторига киради.

Ҳозирги вақтда дунёда ва минтақамизда вазият тобора кескинлашиб, ўзаро қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган бир шароитда оилаларда, маҳаллаларда фаол иш олиб бориш, ёш авлодимизни турли зарарли оқим ва таъсирлардан сақлаш, азал-азалдан халқимизга мансуб бўлган инсоний фазилатларни асраш қандай муҳим аҳамият касб этаётганини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шу борада болаларимизни, айниқса, қиз болаларни соғлом руҳда тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни, ҳаётда ўз муносиб ўрнини эгаллашига кўмаклашиш, урф-одат ва маросимларни давр талаблари билан уйғунлаштириш Хотин-қизлар қўмитаси, унинг жойлардаги вакиллари ва фаоллари, диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилар олдида турган энг муҳим вазифадир.

Бугунги анжуманда сизлар айни шу йўналишда олиб бораётган ишларингизга танқидий баҳо бериб, хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини янги, юқори босқичга кўтаришга қаратилган амалий қарорлар қабул қиласиз, деб ишонаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, ишларингизда янги муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тараққиёт, янгиланиш ва фаоллик

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кўламли ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашда хотин-қизларимизнинг ўрни ва роли беқиёсдир.

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Унда қўмита ҳудудий бўлимларидан сайланган делегатлар ҳамда тегишли вазирликлар, идоралар, фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Конференция делегатлари Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар. Улар, шунингдек, Ватанимиз пойтахтида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, янги маҳобатли бинолар ва спорт мажмуалари қурилиши билан танишдилар.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларининг Республика конференцияси иштирокчиларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Конференция қатнашчилари Президентимизнинг конференция иштирокчиларига йўллаган табригини кўтаринки руҳ билан қабул қилдилар. Улар мамлакатимиз хотин-қизларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамиятдаги мавқеи ва ролини ошириш борасида эришилаётган барча ютуқлар давлатимиз раҳбарининг бевосита эътибори ва ғамхўрлиги самараси эканини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Боситхонова қўмитанинг ўтган даврдаги фаолияти ва унинг истиқболдаги вазифалари ҳақида маъруза қилди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида хотин-қизларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик янада юқори босқичга кўтарилди. Бугун уларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар босқичма-босқич, тизимли равишда олиб борилмоқда. Айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, қишлоқ жойларда уларнинг меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган дастурларни тайёрлаш ва амалга ошириш, жойларда (оила, маҳаллалар, меҳнат жамоалари, таълим муассасаларида) миллий анъаналарни тушунтириш ва уларга риоя қилиш, аёлларнинг конституциявий ҳуқуқларини руёбга чиқариш ва ҳимоя қилишга қаратилган ишларнинг самарали ташкил қилинаётгани диққатга сазовор.

Эътироф этиш керакки, Юртбошимиз саъй-ҳаракатлари билан мамлакатимизда ўтган давр ичида аёллар масаласида 80 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Шунингдек, ҳар томонлама пухта ўйланган давлат сиёсатининг амалга оширилиши натижасида хотин-қизлар ҳаракатлари ва ташкилотлари ҳам миқдор, ҳам мазмун жиҳатдан беқиёс юксалди.

Давлатимиз раҳбарининг аёллар билан ишлаш тизимини яратиш борасидаги ташаббуси асосида 1991 йил 27 декабрда ташкил топган Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси энг йирик жамоат ташкилоти сифатида юртимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Айни чоғда 208 та ҳудудий бўлинма ҳамда 42 мингга яқин бошланғич ташкилотлардан таркиб топган қўмита хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, таълим даражаси ва касбий малакасини ошириш, уларнинг жамият тараққиётида фаол иштирок этишини таъминлаш борасида изчил фаолият юритаётир.

Ўз навбатида, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мазкур йўналишдаги ишларни янада жонлантириш ҳамда ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжат Хотин-қизлар қўмитасига халқаро аёллар ҳаракати ва гендер йўналишидаги бошқа нуфузли тузилмалар билан кенг ҳамкорлик қилиш, улар доирасидаги ўз фаолиятини, айниқса, ижтимоий соҳада ривожлантириш мажбуриятини юклади.

Конференцияда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий тузилмаларининг ўтган даврдаги фаолияти атрофлича муҳокама этилди. Шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган тадбирда кун тартибида турган долзарб масалалар ва улар ечими юзасидан фикр-мулоҳазалар тингланди.

(Давоми 2-бетда).

Ҳисобот-сайлов конференцияси

«Ижтимоий соҳани янада ривожлантириш Ўзбекистон барқарорлиги ва гуллаб-яшнашининг гаровидир»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси АҚШ академик ва ижтимоий доиралари вакиллари ўртасида ҳам ўзининг ижобий акс садосини берди.

Дунё нигоҳи

Жумладан, **Пенсильвания бизнес мактаби президенти М. О'Брейн** мамлакатимиз раҳбарининг мазкур маърузаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳар томонлама ва холисона таҳлили билан асосланганини баён қилди. Унинг фикрича, ялпи ички маҳсулот ўсишининг юқори суръатлари чуқур ўйланган ва вазмин ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилаётганидан далолат беради, улар иқтисодиётнинг барча жабҳаларида барқарор ўсувчанликни таъминламоқда.

М. О'Брейн Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланишига алоҳида аҳамият қаратди.

— Президент Ислом Каримов мамлакат келажагига улкан ҳисса қўшмоқда, чунки таълим-тарбия ҳар қандай жамият ижтимоий-иқтисодий ўсиши ва фаровонлигининг асосидир, — дейди у. — Ўтган йили халқаро конференциянинг иштирокчиси сифатида Ўзбекистонда бўлган чоғимда, мамлакатда яратилган таълим моделидан катта таассуротлар ортдирдим. Амалдаги узлуксиз таълим тизими ўрта касб-ҳунар ва олий маълумот олиш имконини бериши баробарида, малакали касб эгалари ҳамда яхши менежерлар тайёрланишини ҳам таъминлайди.

(Давоми 2-бетда).

Анжуман

Олий судда Ўзбекистон Судьялари ассоциациясининг IV съезди бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги вакиллари, съезд делегатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси съезди

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида суд ҳокимияти мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, унинг жамиятдаги мавқеини ошириш, одил судлов тамойилини такомиллаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноий жазони либераллаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, ўтган даврда умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиши ҳисобига одил судлов сифати яхшиланди.

(Давоми 2-бетда).

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақирувини уюшқоқлик билан ўтказиш ва Қуролли Кучларимиз сафларини ҳар томонлама баркамол ёшлар билан тўлдириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Қарор ва ижро

Тадбирда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, Юртбошимизнинг оқилона сиёсати боис Ватанимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, тезкор ҳамда ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукаммал, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техникага эга, жаҳондаги энг илғор тажрибаларни ўзида мужассам этган миллий армиямиз шаклланди. Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими жорий қилинди, муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгиланган, муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг йилда бир марта ташкил қилинаётгани армиямизнинг қиёфасини тубдан ўзгартирди.

(Давоми 2-бетда).

Эътироф

Мамлакатимизнинг истеъдодли ёш шахматчиларидан бири Нафиса Мўминова ўзбекистонлик хотин-қизлар орасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлди.

Нафиса Мўминова – халқаро гроссмейстер

Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни, хусусан, шахматни ривожлантиришга қаратилаётган беқиёс эътибор туфайли мазкур спорт тури тобора оммалашиб бормоқда. Айни пайтда Ўзбекистон шахмат федерациясига қарийб икки минг киши аъзо.

Айтиш керакки, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, олий ўқув юртлари, ёзги дам олиш масканларида ҳам шахмат тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган.

(Давоми 4-бетда).

Тараққиёт, янгиланиш ва фаоллик

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кўламли ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашда хотин-қизларимизнинг ўрни ва роли беқиёсдир.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қайд этилганидек, бугун мамлакатимизда истиқомат қилаётган хотин-қизлар барча соҳаларда, хусусан, фан, таълимда, тиббиётда, ишлаб чиқаришда, қишлоқ хўжалигида муайян ютуқларга эришиб, юртимиз тараққиётига муносиб улуш қўшмоқдалар. Айни чоғда 13 нафар аёл ибратли фаолияти учун давлатимизнинг энг нуфузли "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони, 182 нафар қиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти, 80 га яқин хотин-қиз мумтоз қўшиқчилик, академик ижро, эстрада, опера, балет, чолғу ижрочилиги, анъанавий ижрочилик, рақс йўналишларида "Ниҳол" мукофоти билан тақдирлангани том маънода уларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Ҳисобот даврида қўмита томонидан, энг аввало, аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий майдондаги фаоллигини янги бир поғонага кўтариш масаласига устувор аҳамият қаратилгани таъкидланди. Зеро, ўз ҳуқуқини билган аёл ҳар қандай ҳолатда ҳам оиласини, ўзини, манфаатларини, пировардида юрт шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлади. Бу борада олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида бугун сиёсат майдонида хотин-қизларнинг роли тобора ошиб бормоқда. Мисол учун, иқтисодиётнинг турли соҳаларида банд бўлган хотин-қизлар 48 фоиз бўлиб, мамлакатимизда 2 мингга яқин фермер хўжаликларида аёллар раҳбарлик қилиб келаётгани ҳам ҳаёт ҳақиқатидир.

Ўз навбатида, ҳудудларда қўмита ташаббуси билан ташкил этилган Аёллар ижтимоий мослашув марказлари хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутмоқда. Мамлакатимизда 10 та ёирик ҳудудий мослашув маркази мавжуд бўлиб, улар аёлларга руҳий, ҳуқуқий, ижтимоий ёрдам кўрсатмоқда, шу билан бирга, уларнинг таълим олиши ва иш билан таъминланишига кўмаклашмоқда. Зеро, аёлларнинг касбий ва тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш бўйича маслаҳат бериш, бандлигига кўмаклашиш, ўз бизнесини бошлашига ёрдам кўрсатиш мазкур марказларнинг асосий мақсад-муддаосидир.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишида олиб борилаётган ишларга тадбир давомида алоҳида тўхтаб ўтилди. Маълумки, ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудий дастурларда хотин-қизлар, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчи аёлларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш чора-тадбирлари аниқ белгиланган. Хотин-қизлар қўмиталари бу борада, аввало, яратилаётган иш ўринларидан, ажратилаётган кредитлардан, қабул қилинаётган ҳужжатларда аёллар учун алоҳида белгиланган имтиёзлардан уларнинг хабардорлик даражасини ошириш борасида тарғибот ишларини олиб бормоқда. Бунинг натижасида аёллар кичик бизнес, фермерлик, хизмат кўрсатиш соҳаларига, уй меҳнатига кенг жалб қилинмоқда. Эътиборлиси, янги иш ўринлари ушбу омиллар ҳисобига тўғри келаётганидир.

Хусусан, уй меҳнатининг ташкил қилиниши ҳисобига 2009 йилда 100 мингта янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, 2012 йилда 345 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди. Шу билан бирга, тадбиркор аёлларга бериладиган кредитларнинг ҳажми ҳам йил сайин кўпаймоқда. Масалан, 2012 йилда тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларга ажратилган кредит миқдори 491,7 млрд. сўмни ташкил этгани аёлларнинг оиладаги, жамиятдаги мавқеини мустаҳкамламоқда. Бу саъй-ҳаракатларни давом эттириш мақсадида Хотин-қизлар қўмиталари ташаббуси билан турли йўналишларда уюшма, комиссия ва тўгараклар ташкил этилган бўлиб, улар хотин-қизларнинг касб маҳоратлари, уларнинг етакчилик қобилиятларини ошириш, ижодий имкониятларини юзага чиқариш ва турли тарғибот ишларини юритишга кўмаклашади. "Аёл ва спорт" комиссияси, "Иқтидорли қизлар", "Ораста қизлар" каби тўгараклар шулар жумласидандир.

Ижтимоий ҳаётда аёллар илмий салоҳиятининг юксак бўлиши — жамиятда барқарорлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашнинг мустаҳкам омилларидан биридир. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда фанни ривожлантириш, унга инновацион ёндашувни такомиллаштиришга мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ жиддий киришилди. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида илм-фан ва таълим тизимида катта ютуқларга эришилди. Бугунги кунда умумий ҳисобда аёл академиклар 7 нафарни ташкил қилади, 488 нафар фан доктори ва 4800 га яқин фан номзоди бўлган аёллар бор. Улар халқаро микёсдаги илмий тадқиқот ишлари билан ҳам эътироф қозонмоқдалар. Жумладан, Швейцариянинг "СИДО" илмий тадқиқот ишлари бўйича эксперт кенгашида табиий фанлар йўналиши бўйича 5 нафар олима аёлларимиз ва гуманитар йўналиши бўйича 2 нафар фан доктори аъзо сифатида қабул қилингани бежиз эмас.

Ҳисоботда, шунингдек, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси хусусида ҳам сўз борди. Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Соғлом она — соғлом бола" дастури бугун умуммиллий ҳаракатга айланди. Бир қатор нуфузли халқаро институтларнинг баҳолашича, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Нуфузли халқаро ташкилот — "Save the children" ("Болаларни асрайлик") томонидан тузилган жаҳон рейтингида Ўзбекистон вояга етаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар ўнталигига киритилгани, албатта, барчамизга ғурур бахш этади.

Бу борадаги ишларни давом эттириш мақсадида Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 2009 йил 1 июлдаги "2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорлари ижроси доирасида Хотин-қизлар қўмитасида тузилган Жамоатчилик кенгаши жамоат ташкилотларининг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштирмоқда. Таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда мунтазам равишда "Соғлом она — соғлом бола" тамойилини амалга оширишнинг асл моҳиятини аҳоли онгига сингдириш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилаётган. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимиз ва вилоятларимизда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғуруқ мажмуалари барпо этилаётгани, биргина "Она ва бола скрининги" Давлат дастури доирасида вилоятлар марказларида скрининг марказлари ташкил этилгани, барча минтақавий марказлар бюджет маблағлари ҳисобидан замонавий диагностика ва лаборатория ускуналари, зарур материаллар билан таъминлангани ҳам таҳсинга лойиқ. Бу саъй-ҳаракатлар кўплаб ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволашни юқори даражага кўтариш, болаларнинг ирсий хасталиклар билан ва нуқсонли туғилишининг хавфини камайтириш имконини бермоқда.

Бундан ташқари, кейинги йилларда ҳомиладор аёлларни таркибида ҳаётий зарур элементлар бўлган махсус поливитаминлар билан таъминлаш ва шу орқали аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида мисли кўрилмаган профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда. Айтиш керакки, бундай чора-тадбирлар ҳар йили минглаб ҳомиладор аёлларни соғломлаштириш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, ривожланишида нуқсони бўлган болалар туғилишининг олдини олишда катта аҳамият касб этмоқда.

Анжуманда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишларга ҳам диққат қаратилди. Хусусан, бугун оилаларни асраб-авайлаш, айниқса, ёш оилалар дуч келаётган муаммоларни биргаликда бартараф этиш долзарб масаладир. Зеро, ҳар томонлама баркамол, етук, салоҳиятли ёш авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни беқиёс. Чунки айнан оилада ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, меҳнатсеварлик каби олий ахлоқий-маънавий сифатлар шаклланишида, авлоддан-авлодга етказилишида энг асосий тарбиячи хисобланган аёлларнинг маънавий баркамоллиги, теран дунёқараши, саводхонлиги ва ўз соғлиғига эътибор қаратиши, она соғлом бўлса, бола ҳам соғлом бўлишини тасдиқловчи ғояни тушуниб етиши жуда ҳам муҳим.

Шу боис қўмита томонидан, энг аввало, оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш борасида тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бир қатор ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Чунончи, Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, маҳаллаларда барқарор диний ва маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлаш, фуқароларда диний бағрикенглик, ўзаро биродарлик туйғусини шакллантириш мақсадида маҳаллаларда, посёлка, қишлоқ ва овулларда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Унга ҳаёт тажрибасига эга бўлган, маълумотли, аҳолига, энг аввало, ёшларга соғлом турмушни қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналарни ривожлантиришда ижобий таъсир ўтказа оладиган обрўли, қисқача айтганда, маҳалла виждонига айланган фаол хотин-қизлар танланди.

Бугунги кунда ўн мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги 8378 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ишларини олиб бормоқдалар. Бунинг натижасида республикада нотинч оилалар, хотин-қизлар томонидан содир этилаётган жиноятлар камаймоқда. Айниқса, оилада соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аёллар ва болалар, оилавий спортни ривожлантириш, қишлоқ жойларда спортни янада оммалаштириш, аёл мураббийларни рағбатлантириш ҳам асосий вазифалардан ҳисобланади.

Аёнки, аёл соғлом бўлса, туғилажак фарзанди, қолаверса, оилада ҳам соғлом турмуш тарзи тамойиллари қарор топади. Бу ҳақиқатни теран англаб етиш бугунги кунда айни заруратдир. Шу боис барча спорт иншоотларида спортга жалб этилган қизлар сони ичил кўпайиб бормоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар, олиб борилган ислоҳотлар, ўз навбатида, болалар саломатлигига, хусусан, қизларнинг баркамол вояга етишига ижобий таъсир ўтказмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Концепцияда жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, бунда, шубҳасиз, ижтимоий шериклик тамойилларига риоя қилиш зарурлигига эътибор қаратилиб, шу бўйича устувор йўналишлар аниқ белгилаб берилган. Шу боис ҳисоботда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан узвий ҳамкорликда ишлаш Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг муҳим вазифаси ва фаолият йўналишларидан бири эканлиги таъкидланди.

Бинобарин, Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши учун норматив-ҳуқуқий база яратилган бўлиб, ҳозирга келиб 200 дан зиёд аёллар нодавлат нотижорат ташкилотлари адлия органларидан рўйхатдан ўтказилган.

Бундан ташқари, қўмита Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази каби институтлар билан ҳамкорлик ўрнатган. Жумладан, аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш бўйича Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш соҳасида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) билан имзоланган битимлар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигининг яна бир поғонага кўтарилишига ҳисса бўлиб қўшилди.

Шу билан бир қаторда, қўмита халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари ва турли давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари билан узвий ҳамкорлик асосида фаолият олиб бормоқда. Хусусан, БМТнинг "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"ги (CEDAW) Конвенциясини амалга ошириш юзасидан қабул қилинган Миллий ҳаракатлар режаси ҳамда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар ижчил бажарилмоқда.

Тадбирда эришилган ютуқлар билан бирга, айрим камчиликлар ҳам тилга олинди. Жумладан, ҳудудларда оилавий ажримлар, хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, баркамол авлодни тарбиялашда оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлигини ўрнатиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш борасидаги айрим хато ва камчиликларни бартараф этиш зарурлиги айтиб ўтилди ва бу бўйича аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Муҳокамада конференция делегатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф. Абдураҳимова, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитасининг раиси З. Иброҳимова, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, вилоят хотин-қизлар қўмиталарининг раислари — И. Каримова (Қашқадарё вилояти), М. Азизова (Наманган вилояти), С. Файзиева (Тошкент вилояти), халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутати, Фориш туманидаги "Фортекс" корхонаси раҳбари Б. Тўраева, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати, Қашқадарё вилояти Муборак тумани "Иссиқлик электр маркази"нинг илмий ходими Х. Холиқова, Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича бўлим инспектори Ш. Ҳидоятова, Фарғона вилояти Учкўприк туманидан касаначи И. Рашидова ва бошқалар сўзга чиқди.

Шундан сўнг конференцияда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва оилани мустаҳкамлашда хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги кенг иштирокини таъминлаш бўйича 2013 — 2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат Дастури ҳам муҳокама этилди. Истиқболда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг бандлиги, меҳнат ва таълим олиш шароитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш ва мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оилалар билан ишлашни кучайтириш, маънавий-маданий ишлар кўламини кенгайтириш, таълим ва тарбия сифатини ошириш, республикадаги хотин-қизлар ННТлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик масалаларини изчил ривожлантириб боришга астойдил ҳаракат қилинмоғи таъкидланди.

Шунингдек, конференцияда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг Устави янги таҳрирда қабул қилинди, унинг бошқарув органлари — республика бошқаруви ва тафтиш комиссияси сайланди. Шу билан бирга, Президентимиз томонидан тақдим этилган Концепцияда илгари сурилган ғоялардан келиб чиқиб, қўмитанинг келгуси даврдаги фаолияти учун асос бўладиган устувор йўналишларга оид бир қатор қарорлар қабул қилинди.

Конференцияда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ўтган даврдаги иш фаолияти қониқарли, деб топилиб, Элмира Боситхонова қўмита раислигига сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев сўзга чиқди.

Зиёда АШУРОВА,
Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Сўз — конференция иштирокчиларига

Инобат КАРИМОВА,
Қашқадарё вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси:

— Президентимизнинг Ўзбекистон хотин-қизларининг Республика конференцияси иштирокчиларига йўллаган табригини катта ҳаяжон билан тингладим. Унда биз, аёллар шаънига билдирилган фикрлар қалбимизни тўлқинлантириб юборди.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг оилада, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига зарур шарт-шароит яратилган. Хусусан, атрофига 2445 та бошланғич ташкилотни бирлаштирган вилоят хотин-қизлар қўмитаси ўз фаолиятида опа-сингилларимизнинг билим ва малакасини, истеъдодини рўёбга чиқаришлари учун уларни, айниқса, қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш, касаначилик, оилавий бизнес ва тадбиркорликка йўналтиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Конференцияда танқидий таҳлил этилган масалалар асосида устувор вазифаларимизни яна бир бор белгилаб олдик.

Нодира ЭГАМБЕРДИЕВА,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори:

— Конференцияда Ўзбекистоннинг бугунги тараққиётида фаол меҳнат ресурсларининг 45,1 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида аёллар етарли мавқега эга бўлаётгани ҳақида билдирилган фикрлар ўтган давр мобайнида Хотин-қизлар қўмитасининг самарали фаолият олиб борганлигини кўрсатиб турибди.

Таъкидлаш жоизки, 2013 йил давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Обод турмуш йили" деб эълон қилинди. Аёнки, обод турмушни барпо этиш, энг аввало, оиладан бошланади. Аёлларнинг уй-рўзғор тутиши одоби, унинг мавқеи, имкониятлари каби жиҳатларни белгилайдиган муҳим фазилатлар борки, бу, айниқса, Ўзбекистон аёллари маданиятининг гўзал бир қисмига айланган. Турмушнинг ободлиги, файз-баракали бўлиши эса оилада соғлом муҳитни қарор топтиришга бевосита боғлиқ. Конференцияда қабул қилинган қарор ва Ҳаракат Дастурида мана шу долзарб масалаларнинг қамраб олингани, шубҳасиз, келгусида хотин-қизларнинг турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Бозоргул ТЎРАЕВА,
Жиззах вилояти Фориш тумани "Фортекс" корхонаси раҳбари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати:

— Фаолиятимиз давомида туманимизда хотин-қизларни касаначиликка, ҳунармандчиликка ўргатишга асосий эътибор қаратаяпмиз. Чунки меҳнатнинг ушбу тури орқали улар ҳам хонадонига, ҳам оиласига, пировардида юртимиз тараққиётига муносиб улуш қўшмоқдалар.

Конференцияда ҳар бир аёлнинг муносиб ҳаёт кечириши, мавжуд муаммоларни оқилона тарзда ечиш, аёл зотининг оилада маънавий муҳитнинг яратувчиси бўлиши борасида бир қатор фикрлар ўртага ташланди.

Айниқса, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзларни янада кучайтириш бўйича аниқ чоралар кўрилгани конференциянинг амалий аҳамиятини бойитди.

Шаҳноза ҲИДОЯТОВА,
Тошкент вилояти ИИБ ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича бўлим инспектори:

— Ҳудудимизда хотин-қизлар, вояга етмаганлар ўртасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Аҳоли, шу жумладан, ёшлар, аёллар манфаатларини муҳофаза этишда, аввало, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, бунда жойлардаги таълим муассасалари ва хотин-қизлар қўмиталарининг фаол ҳамкорлигини йўлга қўйиш айни муддаодир.

Конференцияда бу борадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқадиган устувор вазифалар белгилаб олингани, ўз навбатида, фаолиятимизни янада жонлантиришга туртки бўлди.

«Ижтимоий соҳани янада ривожлантириш Ўзбекистон барқарорлиги ва гуллаб-яшнашининг гаровидир»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Брайнт университети ҳузуридаги Халқаро бизнес марказининг етакчи эксперти Ж. Коен қайд этганидек, сармоявий сиёсатни фаоллаштириш юзасидан давлат раҳбари томонидан белгиланган вазифаларнинг бажарилиши Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётига янги туртки беришига шубҳа йўқ. Бунда давлатнинг сармоявий лойиҳаларни барча зарур ишлаб чиқариш инфратузилмалари билан таъминлашга тайёр эканлиги хорижлик сармоядорлар учун муҳим ижобий ишорадир.

Шунингдек, америкалик эксперт мамлакат автомобиль йўллари ва темир йўл коммуникациялари тармоғи қурилиши ҳамда таъмирланиши бўйича Ўзбекистон Президенти томонидан белгиланган вазифаларга ҳам эътибор қаратди. У транспорт тизимини модернизациялаш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли лойиҳалар республика минтақаларининг барқарор ривожланишига ҳамда уларнинг хорижлик шериклар билан иқтисодий алоқаларини кенгайтиришга қўмаклашишига комил ишонч билдирди.

АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси президенти Б. Қандов Ўзбекистон раҳбарининг мазкур чиқишига юқори баҳо берар экан, унда мамлакат ижтимоий тараққиёти масалалари давлат сиёсатининг марказига қўйилгани ҳам катта эътиборга сазовор жиҳат эканлигини таъкидлади.

— Дунёнинг аксарият мамлакатлари ижтимоий харажатларни қисқартиришга мажбур бўлаётган бир шароитда Ўзбекистоннинг ижтимоий дастурлар бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини кўпайтиришга бўлган интилиши инсон манфаатлари мамлакат раҳбарияти учун энг юқори устуворлик касб этишидан далолат беради, — деди у. — Соғлиқни сақлаш, таълим, аҳоли бандлигини таъминлаш сингари муҳим ижтимоий соҳаларга қаратилаётган доимий эътибор Ўзбекистоннинг барқарорлиги ва гуллаб-яшнаши гаровидир.

«Жаҳон» АА.

Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси съезди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни чоғда суд жараёнида ҳимоя ва айблов томонлар тенглигини таъминлаш механизми яратилди.

Бундан ташқари, судьяликка номзодларни танлаш ва тавсия этишнинг демократик тамойиллари жорий қилингани эътирофга лойиқ. Бу борадаги ишлар самарали бўлишида Ўзбекистон Судьялари ассоциациясининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Бевосита Юртбошимиз ташаббуси билан 1997 йилда ташкил этилган Ассоциация ўтган ўн беш йил мобайнида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, янги қабул қилинган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, судьялик касби нуфузи ва обрў-эътиборини янада ошириш, умуман олганда, суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёнида муҳим ўрин тутиб келмоқда.

— Бугунги кунда Ассоциация ўз таркибига минг нафарга яқин судьяни бирлаштирган бўлиб, уларнинг билим ва малакасини ошириш, ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини кучайтириш ҳамда шу орқали суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, пировардида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли тарзда ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан олиб борилмоқда, — дейди Олий суд судьяси Давлатмирза Комилов. — Зеро, мақсадимиз ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш экан, аввало, одил судловни амалга оширадиган судьяларнинг билим ва малакасини юксалтириш айни муддаодир. Шу мақсадда Олий суд ва Олий хўжалик суди ҳамда Республика юристлар малакасини ошириш маркази томонидан уч ойлик ўқув курслари ташкил этилди. Олий суд ва Республика юристлар малакасини ошириш маркази ҳамкорлигида юртимиздаги барча судлар суд мажлиси котиби, маслаҳатчи, девонхона мудири ва бошқа мутахассисларнинг малакасини ошириш йўлга қўйилди. Судья ва суд ходимлари иштирокида ўтказиб келинаётган минтақавий ўқув-семинарлар ҳам уларнинг малакасини оширишда қўл келмоқда.

Анжуманда ўтган йили Президентимиз томонидан имзоланган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" ва "Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлар мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида атрофлича сўз юритилди.

— Юртбошимизнинг 2012 йил 2 августда имзоланган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир, — дейди Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур тумани суди судьяси Шерзод Абдуқодиров. — Унда судьяликка биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази, Олий суд ва Олий хўжалик судида тайёргарлик ва стажировка ўташи ҳамда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш кўзда тутилган бўлиб, ҳозирги пайтда бу йўналишда муайян ишлар рўёбга чиқарилаяпти. Умуман, давлатимиз раҳбарининг ўтган йилда қабул қилинган ҳар иккала фармони ҳам соҳа вакилларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш кафолатларини кучайтириш ва суд кадрларини танлаш тизимини янада такомиллаштиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадбирда Ассоциациянинг охирги беш йилдаги фаолияти чуқур таҳлил этилиши баробарида, истиқболдаги устувор вазифалар муҳокама қилинди. Жумладан, янги қабул қилинган қонун ҳужжатларини тегишли идоралар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида изчил тарғиб қилиш, шу мақсадда жойларда ўтказиладиган турли тадбирларни юқори савияда ташкил этиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Якунда ташкилий масала кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси раиси, марказий кенгаш аъзолари ҳамда тафтиш комиссиясининг янги таркиби сайланди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Эндиликда Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқаролари учун нафақат конституциявий бурч, балки ҳақиқий шон-шараф ишига айланди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида кейинги йилларда бир қатор чақирув ва йиғин пунктлари реконструкция қилинди. Замонавий қиёфага эга бўлган ана шу биноларда чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, ўқув-семинарлар ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Бу борадаги модернизация жараёнлари чақирувни сифатли амалга ошириш имкониятларини кенгайтирмоқда. Ёшларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш ва муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган аскарларни кутиб олиш тадбирларини катта тантана сифатида нишонлаш ҳам ўзига хос анъанага айланган.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида бугунги кунда мустақиллик йилларида туғилиб вояга етган, мамлакатимиздаги лицей ва коллежларда таълим-тарбия олган йигитлар армия сафларига кириб келаётгани, улар замонавий ахборот, компьютер технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаган ва энг асосийси — ҳаёт ҳақида ўзининг мустақил фикри ва қарашига, ахлоқий-маънавий қадриятларига эга бўлган ёшлар эканлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Дарҳақиқат, ўз хизмат бурчини ўтаётган ўғлонларнинг интеллектуал салоҳияти, маънавий қобилияти ва юксак жисмоний тайёргарлиги ҳар биримизни қувонтиради.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, шу кунларда барча мудофаа ишлари бўлимлари ҳамда бошқармаларида навбатдаги чақирувга тайёргарлик жараёни қизғин давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, Республика Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари журналистларга мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапириб бердилар.

Фуқаролар муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида саралаб олинаётгани, чақирув комиссияларининг ишида ошкоралик ва самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида улар таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вакиллари жалб қилингани ўзининг ижобий самарасини бераётгани қайд этилди.

Матбуот анжуманида муддатли ҳарбий хизматга чақирувни ташкил этиш ва ўтказишнинг муҳим йўналишлари муҳокама қилиниб, кенг жамоатчиликнинг ушбу жараёндаги фаол иштирокини таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Экинзорларга зарар етди

Марказий Америкадаги кофе плантациялари замбуруғлар билан зарарланиб бормоқда.

Бу ҳақда “Би-би-си” хабар тарқатди. Бундан энг кўп Никарагуа ва Коста-Рикадаги экинзорларга зиён етган. Ушбу давлатлар ҳукуматлари зараркунандаларга қарши курашиш ишларига 4 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаган бўлса-да, ҳозиргача кутилган натижага эришилгани йўқ. Худди шунга ўхшаш ҳолатни Гватемала ва Сальвадорда ҳам кузатиш мумкин.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, замбуруғлар турини аниқлаш қийин кечмоқда. Шу боис вазият тобора жиддий тус олаяпти.

Мазкур салбий ҳолат туфайли жорий йилда дунё бўйича кофе етиштириш ҳажми 12 фоизга тушиб кетиши мумкин.

Фаолиятида ижобий кўрсаткич

Дунёдаги энг йирик интернет-корпорацияларидан бири — “Google” ўтган йилни 10,74 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги соф фойда билан якунлади.

Бу 2011 йилдаги кўрсаткичдан 10,2 фоизга кўпдир.

Эътиборлиси, корпорация ташкил этилганидан бери илк бор хизматлар ва маҳсулотлар савдосидан 50 миллиард долларлик довондан ошган. Табиийки, фаолиятидаги бундай ижобий кўрсаткич унинг акциялари баҳоси 3,5 фоизга қимматлашишига туртки берди.

“Google”га 1998 йилда асос солинган бўлиб, у интернетдаги энг кўп маълумотлар захирасига эга йирик қидирув тармоғи ҳисобланади.

Фойда миқдори катта

Жанубий Кореянинг “Samsung Electronics” корпорацияси ўтган йилнинг тўртинчи чорагини яхшигина даромад билан якунлади.

Жумладан, ушбу даврда корхона 6,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида соф фойда кўрган. Бу 2011 йилнинг охирги уч ойидаги кўрсаткичдан 89,7 фоизга кўпдир. Изоҳланишича, “Samsung” ишлаб чиқараётган “Galaxy” смартфонлари савдоси жаҳон миқёсида оммалашиб бораётгани ана шу муваффақиятга асос бўлди.

Бу корпорация ташкил қилинганидан бери қайд этилган энг юқори молиявий кўрсаткич ҳисобланади.

Океанни қайиқда сузиб ўтмоқчи

Икки нафар АҚШ ва яна икки нафар Канада фуқароси Атлантика океанини тўққиз метр узунликдаги эшкакли қайиқда сузиб ўтиш учун Дакар соҳилидан йўлга чиқди.

Улар Майами қирғоқларига етиб боришни режалаштирган. Бу етти минг километрлик масофани босиб ўтиш керак, деганидир.

Ушбу маррани забт этишни аҳд қилганлар орасида 2008 йилги Пекин Олимпиадаси ўйинлари чемпиони Адам Крик ҳам бор. Саёҳатчилар ўзлари билан компьютер, сунъий йўлдошга уланган алоқа воситалари ва 300 килограмм оғирликдаги озиқ-овқат маҳсулотлари олганлар.

Охирги бор Атлантика океанини тўрт нафар АҚШ фуқароси қайиқда 43 кунда сузиб ўтган эди.

Бандлик муаммоси

Испанияда ишсизлар сони қарийб олти миллион кишига етди, дейилади “Евроньюс” телеканали хабарида.

Ишсизлик, айниқса, 25 — 54 ёшдаги фуқаролар ўртасида кўпаймоқда. Ҳозир шу ёш тоифасидаги қарийб 4,5 миллион нафар аҳоли вакили даромад кўрадиган бирор юмуш билан банд эмас.

— Ўтган йил жуда қийин бўлди, — дейди улардан бири. — Шу боис бу йил қандайдир муҳим чора-тадбирлар амалга оширилишидан умидвормиз. Акс ҳолда мураккаб аҳволда қоламиз.

Дарҳақиқат, 2012 йилда Испанияда бандлик муаммоси кескинлашди, сўнгги чоракка келиб, ишсизлик даражаси 26,02 фоизга етди. Мамлакат тарихида бундай салбий ҳолат кейинги 36 йил ичида қайд этилмаган экан.

Бадавлат клублар

“Forbes” журнали “Нью-Йорк” (АҚШ) жамоасини Миллий баскетбол лигасида иштирок этаётган энг бадавлат клуб сифатида эълон қилди.

Нашр экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра, айни пайтда унинг умумий қиймати 1,1 миллиард АҚШ долларига тенг экан.

Рейтингда кучли бешликдан “Лейкерс”, “Чикаго”, “Бостон”, “Даллас” клублари жой олган.

Қизиқ томони, ўтган йил Миллий баскетбол лигаси аъзоларининг ўртача қиймати 509 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Бу эса клубларнинг баҳоси 2011 йилдагига нисбатан 30 фоизга ошганини англатади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 20 февраль куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

I. Суд карорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСҲ-1-69/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран савдога қўйилган:

1. Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-кичик туманда жойлашган, ер майдони 0,29 гектар, қурилиш ости майдони 1081,75 кв.м., ҳозирги кундаги биринчи ва иккинчи ер участкаларининг умумий майдони 0,59 гектар бўлиб, қурилиш ости майдони 3999,30 кв.м.ни ташкил этадиган, 8 та шохобчадан иборат автоустахона, 4 автомашинага мўлжалланган автоювиш шохобчасидан иборат савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасидаги бино-иншоотлар.

Бошланғич нархи — 1 317 621 690 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 15844,0 кв.м., фойдаланиш майдони 2892,3 кв.м., ўн бешта бинодан иборат ишлаб чиқариш ҳудуди бино-иншоотлари.

Бошланғич нархи — 2 808 670 000 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 5-«А» уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 4611 кв.м., фойдали майдони 1782,2 кв.м., тўртта бино ва иккита ҳовуз мавжуд бўлган чойхона («Сабо» тўйхонаси) биноси.

Бошланғич нархи — 4 075 660 000 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 62-уйда жойлашган, умумий майдони 836,0 кв.м., уч қаватли бинонинг биринчи қаватининг бир қисмида жойлашган маиший хизмат кўрсатиш бино-иншоотлари.

Бошланғич нархи — 1 506 820 000 сўм.

5. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Тузель» ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 6377,43 кв.м., қурилиш ости участка майдони 1121,4 кв.м., ҳозирги кундаги ҳолати бўйича қурилиш ости майдони 1345,65 кв.м., бир қаватли, асосий бинолар сони 13 та, ҳозирги кундаги асосий бинолар сони 11 та, кадастр ҳужжатида кўрсатилган жами 201,29 кв.м. бўлган қурилмалар: ертўла биноси, хизматчи бино, қурилиши тугалланмаган устахона, иккита бостирма, бузиб ташланган автосарой бино-иншоотлари.

Бошланғич нархи — 604 310 000 сўм.

6. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бурчмулла қишлоғи, Д. Тустемов кўчасида жойлашган тураржойнинг умумий майдони 792 кв.м., қурилиш ости участка майдони 730,4 кв.м., икки қаватли, асосий бинолар сони 2 та, ёрдамчи бинолар 7 та, биринчи қаватдаги омборхона яшаш ҳолатига келтирилиб, қайта таъмирланган дала-ҳовли.

Бошланғич нархи — 653 690 000 сўм.

7. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5 мавзеси, 36-уй, 3 ва 7-хонадонларда жойлашган, умумий майдони 155,0 кв.м., тўққиз қаватли бино биринчи қаватининг бир қисми, асосий хоналар сони 12 та бўлган сартарошхона ва дўкон (офис) биноси.

Бошланғич нархи — 379 280 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.
Телефон: (8-371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

130R/1192

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона филиалида 2013 йил 27 февраль куни соат 14.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Бешариқ тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2012 йил 22 ноябрдаги 10/30728-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бешариқ тумани, Бешариқ шаҳри, «Янги ҳаёт» МФЙ, Бешариқ кўчаси, 80-уйда жойлашган, «53-автокорхона» ОАЖга тегишли, умумий фойдаланиш майдони 3 567,93 кв.м. бўлган, 0002, 0005, 0006, 0008, 0011, 0020, 0021, 0027, 0028, 0034, 0036-0040-литерлардан иборат бино-иншоотлар савдога қўйилган.

Бошланғич нархи — 273 567 208 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда — 2013 йил 25 февраль куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулк ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уни сотиш бўйича такрорий аукцион савдоси 2013 йил 15 март куни соат 14.00 да бўлиб ўтади. Такрорий аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда — 2013 йил 13 март куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Шунингдек, 2013 йил 13 февраль куни соат 14.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк такроран арзонлаштирилган нархда қўйилмоқда:

Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 2-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Фруктовый-Рай» агрофирмасига қарашли, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, «Шарқ тонги» МФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган, умумий майдони 6048,78 кв.м., фойдаланиш майдони 3577,98 кв.м. бўлган маъмурий бино-иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 391 519 055 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда — 2013 йил 11 февраль куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулк ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2013 йил 1 март куни соат 14.00 да бўлиб ўтади. Такрорий аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда — 2013 йил 27 февраль куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 (беш) банк иш куни муддатида тўлалигича тўлаши керак.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулкка доир тақдим этилган ҳужжатлар билан танишиш, савдода иштирок этиш учун ҳужжатларни тақдим этиш юзасидан ва қўшимча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 22-уй.
Телефонлар: (+99873) 224-69-96, (+99890) 231-38-59.

Лицензия: № RR-0017.

БИЛДИРИШ

«Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 25 декабрь кунидаги 250 (5670)-сонида берилган эълондаги Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган «Эркабоевлар» МЧЖга қарашли «Керамзит базаси» бино-иншоотларининг аукцион савдоси Суд департаменти Фарғона вилояти бошқармасининг 2013 йил 22 январь кунидаги 15-04-311/2-сонли хатига асосан вақтинча тўхтатилди.

«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона филиали маъмурияти.

131R/1192

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Сурхондарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

I. Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 12 январдаги 19-0902/15562-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Зебинисо кўчаси, 1-уйда жойлашган, «Барчиной бозори» ОТҲЖга тегишли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Умумий майдони 143,40 кв.м., фойдаланиш майдони 111,67 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 8 хонадан иборат, А литердаги маъмурий бино.

Бошланғич баҳоси — 60 860 150 сўм.

2. Умумий майдони 248,28 кв.м., фойдаланиш майдони 210,42 кв.м. бўлган, 1 қаватли 5 хонадан иборат, Б литердаги гўштхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 71 262 240 сўм.

3. Умумий майдони 334,80 кв.м., фойдаланиш майдони 63,36 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 7 хонадан иборат, В литердаги ҳожатхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 8 729 475 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 27 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 25 февраль куни соат 18.00.

II. Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 1 майдаги 19-1207/2646-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Термизий кўчаси, 42-уйда жойлашган, «TOSHMAXSUSQURILISH BOSMAQOG’OZ LOYIHA» МЧЖга тегишли, умумий майдони 2037,00 кв.м., 1 қаватли, 14 хонадан иборат идора ва хўжалик бинолари арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 335 633 000 сўм.

III. Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2010 йил 5 ноябрдаги 2-111-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, «Қизилжар» ҚФЙ, К. Хандалов маҳалласида жойлашган, майдони 3050,0 кв.м., 2 қаватли, 10 хонадан иборат, 2006 йилда қурилган «Дилором» номли болалар боғчаси биноси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 394 531 412 сўм.

IV. Аукцион савдосига Шеробод тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2008 йил 23 июндаги 19-0804-2835-сонли ва 2010 йил 17 майдаги 19-1007/6418-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Шеробод тумани, «Таллашқон» ҚФЙ, Бойқишлоқ маҳалласида жойлашган, «Пахтаобод техник муҳандис» ММТПга тегишли, умумий майдони 158,46 кв.м., 1 қаватли, жами 6 хонадан иборат, А ва Б литерлардаги дала шийпонининг бир қисми ошхона айвони билан арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 7 603 870 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 11 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 8 февраль куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз ш., Ф. Хўжаев к., 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.
Телефон: (8-376) 227-57-94. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

128R/1441

Qishloq Qurilish Bank

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»

узлуксиз электр таъминоти (UPS) қурилмаларини

сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда қатнашиш учун таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун давомида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй, 1-қават, 104-хона. Телефон: (+99871) 150-76-44.

126R/8

● Реклама ва эълонлар ●

САНОАТ КОРХОНАСИ

бош энергетикнинг биринчи ўринбосари

лавозимига ишга қабул қилиш учун танлов эълон қилади.

НОМЗОДГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:

- **соҳа бўйича олий маълумотга, муҳандис-техник ва раҳбар лавозимларида 5 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиш**
- **хавфсизлик гуруҳи 5-даражадан паст бўлмаслиги**
- **Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтган бўлиши лозим.**

Иш ҳақи — суҳбат натижасидан кейин белгиланади. Келажакда лавозимда ўсиш имкониятлари мавжуд.

Шунингдек,

юқори малакали электриклар ҳамда назорат-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича (КИП ва А) созловчи-ишга туширувчилар

ишга қабул қилинади.

Иш ҳақи ўз вақтида тўланади. Ходимлар бепул овқат ва транспорт билан таъминланадилар. Тошкент вилоятининг Чимён тоғли ҳудудида болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.

МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
(8-371) 241-10-81, (+99890) 929-55-97.

30R/1346

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Қашқадарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Суд департаменти Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2012 йил 17 февралдаги 2-2-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши шаҳри, «Табассум-1» МФЙ, Б. Шерқулов кўчасида жойлашган, «Maxtel Constraction» корхонасига тегишли, қурилиш майдони 1708,14 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 1555,67 кв.м. бўлган «Мовий гумбаз» чойхонаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 805 263 500 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 26 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 22 февраль куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, АТИБ «Ипотека-банк»нинг Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Қарши шаҳри, М. Абдуллаева кўчаси, 20-уй.
Телефон: (8-375) 225-44-58. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

121R/1441

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Қашқадарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Шаҳрисабз тумани СИБ томонидан ФИБ Шаҳрисабз туманлараро судининг 2012 йил 23 майдаги 1-1296-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шаҳрисабз тумани, «Дукчи» ҚФЙ, Чорбоғ қишлоғида жойлашган, 1996 йилда қурилган, умумий майдони 1570,0 кв.м., қурилиш майдони 384,22 кв.м. бўлган маъмурий ва омборхона бинолари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 91 955 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 27 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 25 февраль куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, АТИБ «Ипотека-банк»нинг Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Қарши шаҳри, М. Абдуллаева кўчаси, 20-уй.
Телефон: (8-375) 225-44-58. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

127R/1441

ОБ-ҲАВО (26 январь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида	Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида
-2 +3 / +12 +17	+3 +8 / +14 +19	0 +5 / +12 +17
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида	**Бухоро ва Навоий вилоятларида**	**Тошкент шаҳрида**
0 -5 / +2 +7	+2 +7 / +12 +17	+3 +5 / +14 +16

Фахр

Истиқлол туфайли юртимизнинг барча ҳудудлари каби пойтахтимиз Тошкентнинг ҳам чиройи кундан-кунга кўркамлашиб бормоқда. Бунда бунёд этилаётган янги хиёбон ва сайилгоҳлар, кўнгилочар масканларнинг ҳам ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор. Ўтган йили “Фонд Форум” ташаббуси билан Бешёғоч мавзесида “Сити Макон” маданий-маърифий кўнгилочар марказининг очилиши шаҳримиз меҳмонлари ва хорижлик сайёҳлар учун муносиб совға бўлди.

«City Makon»:

Замонавий ва мафтункор

Мамлакатимизда ёшларнинг пухта билим олиши, маънавияти ва дунёқарашини бойитиш, бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган ишлар ўз самарасини бермоқда. Мазкур марказ ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ўқув-маърифий марказ, спорт майдончаси, замонавий 3D форматдаги кинозал, савдо ва овқатланиш шохобчалари ҳамда болалар майдончасини ўз ичига олган ушбу масканда ёшларимиз бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча шароит яратилган.

Жумладан, ўқув-маърифий марказида турли бадиий кечалар, фото кўргазмалар, анжуманлар, маҳорат сабоқлари, очиқ дарслар ўтказилади, бадиий ижодиёт тўгараклари олиб борилади. Замонавий виртуал технологиялар ёрдамида ўқувчилар ўлкашунослик, география, маданият ва санъатга оид билимларини янада мустаҳкамлаши мумкин.

Шунингдек, “Сити Макон” мажмуида имконияти чекланганлар учун ҳам зарур қулайликлар яратилган.

Йўлингиз тушиб, шу томондан ўтиб қолсангиз, бу ерда мароқ билан суҳбатлашаётган ёшлар, шодон қийқираётган болажонлар, бахт остонасига қадам қўяётган келин-куёвлар ва албатта, Ўзбекистонимизга ташриф буюрган сайёҳларни учратишингиз тайин. Уларнинг ҳавас ва ҳайрат ила мамлакатимиздаги ўзгариш ҳамда янгиланишлар борасида билдирган фикр-мулоҳазалари эса қалбингизда ифтихор уйғотади.

— Юртингизга биринчи бор келишим, — дейди ўзини франциялик Марина Мишель деб таништирган аёл. — Бу табаррук замин ҳақида болалигимдан кўп эшитганман. Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлар, у ерларда туғилиб, дунёда ном қозонган алломаларнинг ибратли ҳаёти, жаҳон тамаддунига кўрсатган беқиёс таъсири хусусида тарих китобларида кўп ўқиганман. Минг марта эшитгандан кўра, бир бора кўрган афзал, дейишлари бежиз эмас экан. Мана, келдим, кўрдим, завқ олдим. Самарқандда бўлиб Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий қадамжосини, Амир Темур мақбарасини, Шоҳи Зинда ансамблини зиёрат қилдим. Айтмоқчиманки, Ўзбекистонга илк маротаба келган бўлсамда, таассуротларим бир олам. Юртингизда нафақат тарихий жойлар алоҳида эътиборда, шунингдек, замонавий иншоотлар қуриш, муаззам хиёбонлар барпо этилаётгани ибратлидир. “Сити Макон”, айниқса, ёшлар учун беқиёс маскан бўлибди. Бу ерга келиб чарчоқларим бир зумда тарқаб, кайфиятим кўтарилди. Шундай ажойиб мамлакатни келиб кўрганимдан ниҳоятда бахтиёрман...

— **Ф**арзандларимни бу ерга олиб келганимда жуда хурсанд бўлишди, — дейди Тошкентнинг Олмазор туманида истиқомат қилувчи Абдулазиз Руфатов. — Тўнғич ўғлим Акбар расм чизишга қизиқади. Махсус тўгаракка ҳам қатнайди. Ушбу масканни телевизорда кўриб, мени бу ерга ундади. Келиб кўрдикки, бу жой, чиндан ҳам, гўзал ва бетакрор экан. Ўғил-қизларимиз учун яратиб берилаётган бундай шароитлар улар қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини кучайтириши, шубҳасиз...

Дарҳақиқат, юртимизга ташриф буюраётган турли элат ва миллатга мансуб меҳмонлар нафақат диёримиздаги ўзгариш ва янгиланишлар, шу билан бирга, халқимизнинг одамийлигию меҳмондўстлиги, фарзандларимиз учун яратиб берилган беқиёс шароитларни кўриб ҳаваслари келаётганини яширишмайди.

— Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганмиз. Гўзал юртлар кўп, аммо тан оламиз — Ўзбекистон бошқача, — дея дилидагини изҳор қилади ҳиндистонлик меҳмонлардан бири Субҳаш Агарвал. — Деҳлидаги марказий коллежда мусиқадан сабоқ бераман. Самарқанд, Бухорога бориб, турли мусиқа асбоблари ва уларнинг кўҳна тарихидан бохабар бўлиб ҳайратландим. Менга “Сити Макон” кўнгилочар маскани янада маъқул бўлди. Бу ерда бир гуруҳ ёшлар билан суҳбатлашдим. Улар менинг ҳиндистонлик эканлигимни билишгач, жўр бўлишиб машҳур киноларимиздаги қўшиқлардан бирини айтиб беришди. Бундан лол қолдим. Ана маҳорату мана истеъдод. Бу юртингизда ёш авлодга беқиёс эътибор қаратилиб, уларнинг тил ўрганиши, бошқа мамлакатлар маданиятидан хабардор бўлиб, камол топишларида муҳим аҳамият касб этаётганидан далолатдир.

“Сити Макон”га ташриф буюрган меҳмонларнинг ушбу фикрлари замирида самимият, эзгулик мужассам. Зеро, осмони беғубор, одамлари аҳил, турмуши фаровон юртимиз ҳақида гапириш кишига ҳамиша завқ ва шавқ бағишлайди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Таҳлил учун уч дақиқа кифоя

Бухоро шаҳридаги “Кармен Плюс” хусусий ишлаб чиқариш фирмаси томонидан диагностика маркази барпо этилди.

Саломатлик

Бунда банк муассасаси томонидан ажратилган 200 миллион сўмлик кредит қўл келди.

— Шу сармояга 100 миллион сўм маблағимизни қўшиб, хориждан замонавий тиббий асбоб-ускуналар харид қилдик, — дейди лойиҳа ташаббускори Дилмурод Аҳадов. — Ҳозир кунига ўртача ўттиз-қирқ нафар беморга тиббий хизмат кўрсатаяпмиз. Биздаги ускуналар аниқ ва тез ишлаши билан кўпчиликка маъқул. Масалан, гематологик автомат асбоби бемор қонини атиги уч дақиқа ичида таҳлил қилиб беради. Диагностика марказини ишга туширишимиз билан ходимларимиз сони ўн уч нафарга етди.

Айни пайтда вилоятда 160 дан зиёд хусусий тиббиёт клиникалари фаолият юритаяпти. Уларда бир минг юз нафардан кўпроқ киши меҳнат қилмоқда.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ақл ёшда эмас...

Дунёга машҳур француз математиги Алекси Клеро 10 ёшидаёқ олий математика курсини тўлиқ ўзлаштиришга улгурган. 12 ёшида эса ўзининг биринчи илмий кашфиётини амалга оширган бўлса, 18 ёшида Париж Фанлар академиясининг кичик илмий ходими мақомига эришган.

Тўққиз йиллик тадқиқот

Инглиз олими Майкл Фарадей (1791—1867) электромагнит тўлқинлари сирини очиш мақсадида тўққиз йил давомида чўнтагида электромагнит моделини олиб юрган. Бир дақиқа бўш қолгудек бўлса, дарҳол уни қўлига олиб, муаммонинг калитини топишга уринаверган.

Фалакка учаман деб...

Коинотга илк бор 1500 йили хитойлик мандарин (инқилобдан аввал хитойлик амалдорлар шундай аталган) саёҳат қилган. Унинг оддий ўриндиқ кўринишидаги “ҳаво кемаси” 47 та портловчи мушак ёрдамида кўкка кўтарилган. Бироқ тажриба-синов омадсиз якунланган ва ихтирочи ҳалок бўлган.

Сониялик ҳарорат

Биз гугурт донасини қути четига теккизиб, бир сонияда ёқамиз. Биласизми, олов ёнгунга қадар гугурт чўпининг қутига ишқаланиши натижасида таёқча 200 даражагача қизир экан.

Қадимги гугурт

Бундан тахминан 150 йиллар аввал гугурт чўпларининг учидаги ёнувчан модда бертоле тузи, шакар ва елим қоришмасидан тайёрланган экан. Бундай қоришмали гугурт доначалари сульфат кислота солинган шишачага ботириб ёқилган.

Интернет маълумотлари асосида Ш. ЖЎРАЕВА тайёрлади.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Уларда маҳоратини оширган ўғил-қизларимиз “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинлари, шунингдек, “Камолот” шахмат тахтаси”, “Тошкент қиши”, “Тошкент оупен” турнирлари, ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасидаги республика чемпионатларида тажриба тўплашади. Ўзига хос бундай ноёб тизим халқаро мусобақаларда юртимиз шахматчилари эришаётган ютуқларнинг муҳим пойдевори бўлмоқда.

Нафиса Мўминова – халқаро гроссмейстер

Мамлакатимиз миқёсидаги кўплаб мусобақаларда ғолиб ва совриндор бўлган спортчимиз 2007 йилда жаҳон чемпионатига йўлланма олиб, ўзбекистонлик хотин-қизлар орасида катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этган биринчи спортчи бўлган эди.

Ана шундай мусобақаларда тобланган Нафиса Мўминовага куни кеча ФИДЕ томонидан халқаро гроссмейстер мақоми берилди.

Олти йилдан буён мамлакатимиз терма жамоаси сафида халқаро мусобақаларда қатнашиб келаётган Нафиса 2008 йилда 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасида Осиё чемпионати кумуш медалини қўлга киритди. 2010 йилда йигирма ёшгача қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кучли тўртликдан жой олди. Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ташкил этилган ёзги Осиё ўйинларида жамоадошлари билан кумуш медалга эгалик қилди. 2011 йили I Марказий Осиё кубоги ва 2012 йили Тошкентда ўтказилган “Тошкент оупен” халқаро шахмат турнирида ғолиб чиқди.

Унинг мана шундай мусобақаларда қўлга киритган натижалари, эришган муваффақиятлари Халқаро шахмат федерацияси томонидан муносиб баҳоланган хотин-қизларимизнинг истеъдоди, юксак маҳорати жаҳон миқёсида ҳам ўзининг улкан эътирофини топаётганининг яққол далолати бўлиб, бу, ҳеч шубҳасиз, барчамизга чексиз қувонч бахш этади.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

Ижтимоий реклама

2013 йилда қишлоқларда имтиёзли кредит асосида қуриладиган замонавий уй-жойлар учун буюртмалар қабул қилиш бошланди!

2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти.
- Қулай жойлашув: дўкон, мактабларга яқин жойда.
- Замонавий дизайндаги уйлар.
- Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдонига эга.
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва равон йўлларга эга.
- Янги уйда оилангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.

Оилангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қолинган маблағингиз оилавий режалар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланади.
- Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратади.
- Янги уйлар сиз учун узоқ муддатли сармоя ва фарзандлар учун мерос.

Келажак учун ЖАМҒАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Омонатингизни кўпайтириш имконияти.
- Имтиёзли фоиз ставкасида 15 йил муддатга ипотека кредити.
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари.
- Маош миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди.
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни — тежамкорлик ва арзон нархлар гарови.

Замонавий қурилиш моллари ва ЮҚОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Танловдан ўтган пудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги.
- Бир йиллик сифат кафолати.
- Улгуржи нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.

Марҳамат, мурожаат қилинг!

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига.
- Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига.
- «Камолот» ЁИҲ бўлинмаларига.
- Хотин-қизлар қўмиталарига.
- «Қишлоқ қурилиш банк» филиалларига, минибанкларига.
- «Қишлоқ қурилиш инвест» филиалларига.

100060, Тошкент ш., Шаҳрисабз к., 36-уй.
Тел.: (+998 71) 150-93-39.
Факс: (+998 71) 150-39-93.
www.qqb.uz
e-mail: headoffice@qqb.uz

54R/

Билиб қўйган яхши

Кўк турп сабзавот сифатида барчамизга яхши маълум. Бироқ бу маҳсулот ўзининг шифобахшлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Хусусан, у қанд, оқсил, фитоцидлар, эфир мойи, холин, лицозим сингари моддаларга жуда бой. Таркибидаги сув эса соч толаларини мустаҳкамлаб, ичак фаолиятини маромига келтиради.

Турпнинг фойдаси

Халқ табобатида турпнинг илдизмеваси бўғим оғриғини қолдирувчи, барги кўзни равшанлаштирувчи, қайнатилгани йўтал ва шамоллашни даволовчи восита сифатида тавсия этилади. Шунингдек, турпнинг сабзи ва лавлаги шарбатлари билан аралашмаси камқонликда наф беради. Сув билан аралаштирилган турп уруғи эса яра битишини тезлаштиради.

Турпнинг қора туслиси ҳам мавжуд бўлиб, кам экилганлиги боис уни кўп учратмаймиз. Ваҳолонки, қора турп таркибидаги калий тузи миқдори бўйича бошқа сабзавотлардан устун туради. Шу боис у бод, миозит ва асаб хасталикларида қўл келади. Бунинг учун битта турп ширасига бир чой қошиқ хантал кукуни аралаштирилиб, оғриган жойга қўйилса, кифоя.

Бундан ташқари, қора турп ширасининг инсультдан кейин пайдо бўлган шол ҳолатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

● Эълон ●

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Бухоро вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Бухоро шаҳар СИБ томонидан ФИБ Бухоро шаҳар судининг 2012 йил 22 октябрдаги 1-2476-сонли ҳамда 2012 йил 27 июндаги 1-1745-сонли ижро варақаларига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

- Бухоро шаҳри, Афросиёб кўчаси ёқасида жойлашган, умумий ер майдони 72 кв.м.дан иборат савдо дўкони биноси.

Бошланғич баҳоси — 154 750 000 сўм.

- Бухоро шаҳри, Намозгоҳ кўчаси ёқасида жойлашган, умумий ер майдони 167,77 кв.м.дан иборат савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси биноси.

Бошланғич баҳоси — 139 000 000 сўм.

- Бухоро шаҳри, Авшор маҳалла кўчаси, 14-уйда жойлашган, умумий ер майдони 400 кв.м.дан иборат савдо дўкони ва омборхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 28 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 26 февраль куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Туронбанк» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават.
Телефон: (8-365) 223-71-30. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

1239/1441

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 154. 130 499 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.45 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5